

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ**

**12-13-сон  
(200-201)  
2006 й.  
март**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

100. «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 23 мартағи ЎРҚ-26-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

101. «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартағи ПФ-3725-сон Фармони

102. «Кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан янада қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартағи ПҚ-304-сон қарори

103. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартағи ПҚ-306-сон қарори
104. «Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартағи ПҚ-308-сон қарори

***Учинчи бўлим***

105. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 мартағи 51-сон қарори
106. «Истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 мартағи 52-сон қарори

***Бешинчи бўлим***

107. «Маҳаллий соликлар ва ўифимларни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги ўюрикномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 21, 2006-10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 марта 1217-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
108. «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш билан шуғулланишга лицензия олишда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган давлат божини қайтариш ёки хисобга қўшиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2006 йил 16 мартағи 32, 3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 28 марта 1555-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 18 мартаңдан 31 мартача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

**100 Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими та-комиллашибиргандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 26 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февральда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 602-I-сонли Қонуни (2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда) **30-моддасининг матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш (молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно), давлат эҳтиёjlари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиғи ўз вактида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибида амалга оширилади.

Фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) кўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданнинг бешинчи хатбоиси** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) — солиқ ва валюта

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 24 марта эълон қилинган.

тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш ва таққослаш»;

**2) 9-модда:**

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «тафтишдан ўтказиш» деган сўзлар «молия-хўжалик фаолиятини текширишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсинг;

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсинг:

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда факат давлат солик хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солик ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик ва валютага оид жиноятларга қарши курашиб департаменти томонидан амалга оширилади»;

**3) 10-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсинг:

**«10-модда. Текширишлар даврийлиги**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи билан ўилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва ушбу Қонуннинг 10<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади, ушбу Қонуннинг 10<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

**4) Қонун** куйидаги **10<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсинг:

**«10<sup>1</sup>-модда. Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар даврийлиги**

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас»;

**5) 14<sup>1</sup>-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсинг:

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мукобил текширишлар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориши жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги карор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мукобил текширишлар хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан туриб амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мукобил текширишларга уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади, улардан мукобил текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия хужжатларини ёки бошқа хужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»-ги 69-II-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **39-моддаси** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

**«39-модда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг чекланганлиги**

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва ушбу модданинг иккичи—бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнida режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин.

Ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатишига тўскинилк қилмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига аъзо тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар мазкур Палата вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш учун қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги асос бўлади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектининг қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолиятигина текширув билан қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширув тайинланганлиги тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишлар белгиланган тартибда факат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар текширишлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга карши курашиб департаменти томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари назорат қилувчи ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармаслик ҳамда текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳукуқига эга.

Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолади»;

2) **Қонун** қўйидаги мазмундаги **39<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«39<sup>1</sup>-модда. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмаслиги**

Тадбиркорлик субъектлари назорат органларининг текширишлар натижалари бўйича кўрсатмаларини бажарган, шунингдек зарарнинг ўрнини белгиланган муддатларда ва тўла ҳажмда ихтиёрий равишда коплаган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги 558-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда) **25-модда-синнинг матни** қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«Хусусий корхона фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

— Хусусий корхоналарнинг — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа хусусий корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил қилинган хусусий корхоналарнинг — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнida режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас».

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 23 март,  
ЎРК-26-сон

+

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **101 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллашти- риш тўғрисида**

Суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишнинг демократик тамойилларини мустаҳкамлаш, судьялар корпуси барқарорлигини таъминлаш, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил қилишни тубдан ўзгартириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Конуни 11-моддасига мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ташкилий тузилмаси ва штатлар сони 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида янги таҳрирдаги низом, шунингдек унинг таркиби 3 ва 4\*-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни ижро этиш юзасидан икки ҳафта муддатда Комиссияни молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида карор қабул қилсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

4. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 марта ПФ-2817-сон Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги ПФ-2943-сон Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 марта ПФ-3587-сон Фармони иловасининг 2-банди.

---

\* 4-и洛ва берилмайди.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А. Набиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**


Тошкент ш.,  
2006 йил 17 март,  
ПФ-3725-сон

—

+

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2006 йил 17 мартағи  
ПФ-3725-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Судьяларни  
танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака  
комиссиясининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2006 йил 17 марта  
ПФ-3725-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни  
танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака  
комиссиясининг штатлар сони**

**ОЛИЙ МАЛАКА КОМИССИЯСИННИГ ТАРКИБИ**

1. Комиссия раиси (жамоатчилик асосида)	— 1
2. Комиссия раиси ўринбосари (доимий асосда)	— 1
3. Комиссия аъзолари (жамоатчилик асосида)	— 11
4. Комиссия аъзолари (доимий асосда)	— 4
<b>Комиссия бўйича жами</b>	<b>— 17</b>

**ИЖРОИЯ АППАРАТИ**

<b>I. Комиссия раисининг ўринбосари</b>	<b>— 1</b>
<b>II. Комиссия ҳузуридаги Суд инспекцияси</b>	
1. Инспекция раҳбари — комиссия аъзоси	— 1
2. Инспекция раҳбарининг ўринбосари — комиссия аъзоси	— 1
3. Етакчи инспектор	— 4
4. Иш юритувчи	— 1
<b>Жами</b>	<b>— 7</b>
<b>III. Комиссия Котибияти</b>	
1. Котибият раҳбари — комиссия аъзоси	— 1
2. Котибият раҳбарининг ўринбосари — комиссия аъзоси	— 1
3. Етакчи инспектор	— 4
4. Архив мудири — иш юритувчи	— 1
<b>Жами</b>	<b>— 7</b>
<b>IV. Хўжалик бўлими</b>	
1. Бухгалтер	— 1
2. Хизмат кўрсатувчи ходимлар	— 2
<b>Жами</b>	<b>— 3</b>
<b>Ижроия аппарати бўйича жами</b>	<b>18</b>

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2006 йил 17 марта  
ПФ-3725-сон Фармонига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни  
танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака  
комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

- Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси (бундан бўён матнда Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.
- Комиссия суд хокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаширишни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган ҳисобланади.
- Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар-аро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш вазифалари юкландади.
- Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунарни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар сиёсатини рўёбга чиқаришга каратилган фармон, карор ва фармойишлари ҳамда мазкур Низом асосида судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг факат қонунга бўйсуниши тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширади.

**II. Комиссиянинг асосий вазифалари**

- Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:  
судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг демократик асосларини такомиллашириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;  
судья кадрларни танлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тасдиғига тақдим этишда қонунийликни таъминлаш;  
судьялар мустақиллиги ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлашга каратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;  
судьялик лавозимларига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ишларни яхшилаш ҳамда судья кадрларни тарбиялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;  
судьяликка номзодларни танлаб олишнинг хуқуқий негизини такомиллашириш, уларнинг кассб маҳоратини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши;  
судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ишларнинг очик-оидинлиги ва ошкоралигини, бу ишнинг вертикал бўйича ҳисобот берилишини таъминлаш, шунингдек бу соҳада хизмат мавқеини сувиштеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

судьялар захирасини шакллантириш, уларни танлаш ва номзодларни лавозимларга тақдим этиш масалалари бўйича судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;  
судлар фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;  
судьяларни танлаш ва тайинлаш борасида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва Комиссиянинг иш амалиётига татбиқ этиш.

### **III. Комиссиянинг ваколатлари**

6. Кўйилган вазифаларни бажариш учун Комиссияга қўйидаги ваколатлар берилади:

тақдим этилган номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьяси лавозимларига муносабигини аниқлайди ҳамда мазкур масала бўйича хulosалар беради.

фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

— фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьялари ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

+

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди судьяларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги тақдимномаларни (материалларни) кўриб чиқади ва улар юзасидан хulosалар беради;

судья кадрларнинг захирасини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасидаги ишларнинг ташкил этилишини таъминлайди;

номзодларни ўрганишнинг турли усууларидан фойдаланади (сухбатлашиш, мустақил эксперталар томонидан синаб кўриш, топширилган муаммо бўйича мавзууга оид рефератлар тайёрлаш, тезкор савол-жавоблар ўтказиш ва ҳоказолар);

судья кадрлар билан ишлашдаги камчиликлар хусусида тақдимномалар, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар беради;

Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Судьялар уюшмаси, хукуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиласди.

7. Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш чоғида судьяларнинг малака ҳайъатлари билан ҳамкорлик қиласди:

судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан тақдим этилган номзодлар захирасини шакллантириш, уларни танлаб олиш ва номзодларни судьялик лавозимларига тавсия этиш масаласини ҳал қилиш учун зарур бўлган материалларни (аризалар,

билдирилган фикрлар, хulosалар, маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни) кўриб чиқади;

судьялар захирасини шакллантириш, танлаб олиш ва лавозимларга тавсия этиш масалалари бўйича судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини вақти-вақти билан ўрганади.

судья кадрлар билан ишлаш тўғрисида судьялар малака ҳайъатлари раисларининг хисоботини мунтазам равишда тинглаб боради ва судьяларнинг тегишли малақа ҳайъатлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради;

судьяларнинг малака ҳайъатларидан судьялик лавозимларига бўш ўринлар мавжудлиги ҳақидаги, судья кадрларнинг захираси қандай шакллантирилётгани тўғрисидаги ахборотни, Комиссия олдидаги турган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ахборотни талаб қилиб олади;

судьяларнинг малака ҳайъатларида судья кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малақасини ошириш, ушбу соҳада ҳалқаро тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасидаги ишларни ташкил қилиш билан боғлиқ бошқа топширикларни беради.

#### **IV. Судьялар захирасини шакллантириш ва судьялик лавозимига номзодларни танлаш тартиби**

8. Захирани шакллантириш ва судьялик лавозимларига тақдим этиш учун номзодларни танлаш бўйича ишлар судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган лавозимлардан ташқари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шахар) судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҳарбий судлар судьялигига номзодларнинг захирасини шакллантириш судьяларнинг тегишли малақа ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялигига, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ва раис ўринbosарлари лавозимига номзодлар захирасини шакллантириш Олий малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

9. Умумий юрисдикция судларининг малака ҳайъатларида тегишлича фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раислари раҳбарлик қиласидилар.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати раиси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьялари орасидан сайланади.

Умумий юрисдикция судларининг олий малака ҳайъати раиси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари орасидан сайланади.

10. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шахар) судлари, округ ва худудий ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялигига (хўжалик судлари раислари ва раис ўринбосарлари бундан мустасно) номзодларнинг захирасини шакллантириш учун судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари ўзларини захирага киритиш ёки судьяларнинг аниқ бўш лавозимларини эгаллаш истагини билдирган шахслардан аризаларни қабул қиласидар. Аризага кадрларни ҳисобга олиш шахсий вараги, таржимаи ҳол, олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, охириги иш жойидан тавсифнома илова қилинади. Ўзбекистон Республикасининг йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, мутахассислиги бўйича иш стажи камидан уч йил бўлган фуқаролари судьяликка номзодлар захирасига киритишилари мумкин. Судланган шахслар судьяликка номзодлар захирасига қабул қилинишлари мумкин эмас.

Бошқа судьялик лавозимларига захирани шакллантириш белгиланган тартибда тегишли малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

11. Ушбу Низомнинг 10-банди талабларига риоя этилган тақдирда, аризалар қабул қилинишини рад этишга йўл қўйилмайди.

Аризани қабул қилишни рад этиш хусусида Комиссияга шикоят қилиниши мумкин.

12. Аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текшириш ишларини судьялар малака ҳайъатининг масъул котиби амалга оширади.

13. Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларнинг касбий, ахлоқий ва ишчанлик фазилатларини ўрганиб чиқишни ташкил этадилар ҳамда ҳужжатлар келиб тушган пайтдан бошлаб кечи билан икки ой муддатда малака имтиҳонларини ўтказдилар, шу имтиҳонларнинг натижалари бўйича уларни судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор чикарадилар.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари энг яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали юристлар — судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини номзодлар захирасига киритадилар.

Малака ҳайъатларининг мажлисларида тегишлича фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпогистон Республикаси олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, ҳарбий судларнинг, Қорақалпогистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари иштирок этишлари мумкин, улар судьялик лавозимига ҳар бир номзод бўйича ўз фикрини билдиришга, малака ҳайъатининг қарорига кўшилмаган тақдирда эса ўз фикрини ёзма равища Комиссияга юборишга ҳақлидирлар.

Захирага киритилган шахслар хусусидаги маълумотлар Судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан Комиссияга йўлланади.

14. Судьяларнинг малака ҳайъатлари захирада бўлган ва илк бор фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, округ ва худудий ҳарбий судлар, Қорақалпогистон Республикаси хўжалик суди ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьяси лавозимларига тақдим этилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида маҳсус курсларда ўқитишни ташкил этади. Мазкур маҳсус курсларни тамомлаганлиги тўғрисидаги сертификат, у берилган кундан бошлаб уч йил мобайнда амал қиласидар.

15. Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьялик лавозимига захирада турган шахсларни хабардор қиласидар. Шу билан бирга 14-бандда назарда тутилган судьялик лавозимига илк бор тақдим этилаётган

номзодлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар мала-  
касини ошириш маркази маҳсус курсларини тутгатганлиги тўғрисидаги сертификат-  
га эга бўлган тақдирдагина хабардор қилинади.

Бўшаб қолган судьялик лавозимини эгаллаш учун танлаб олишда иштирок этиш  
истагини билдирган шахслар малака имтиҳонини топширадилар, ана шу имтиҳон  
натижалари бўйича судьяларнинг малака ҳайъати уларнинг судьялик лавозимига  
муносиб ёки муносиб эмаслиги тўғрисида карор қабул қиласди.

16. Судьяларнинг малака ҳайъати бўш судьялик лавозимига тавсия этилган  
камидаги иккни номзодга доир ҳужжатларни Комиссияга йўллади.

17. Ваколат муддатлари тугаётган судьяларни янги муддатга тақдим этиш тўғри-  
сидаги масала судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқила-  
ди. Судьялар малака ҳайъатининг мазкур шахслар лавозимига муносиблиги ёки мун-  
осиб эмаслиги тўғрисидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги  
хакидаги қарори ваколат муддати тугашига камидаги уч ой қолганда Комиссияга юбо-  
рилади.

Комиссия судьяларнинг ваколат муддати тугашидан камидаги бир ой олдин улар-  
ни янги муддатга тақдим этиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқилишини таъ-  
минлайди.

18. Судьялар малака ҳайъатларининг раислари Комиссияга тақдим этиладиган  
судья кадрларга оид ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва сифати учун шахсан жавобгар  
бўлладилар.

Комиссия мунтазам равишда судьялар малака ҳайъатлари раисларининг судья  
кадрлар билан ишлаш ахволи тўғрисидаги ҳисботини тинглаб боради. Судья кадр-  
лари захирасини шакллантириш ва танлаш чоифида малака ҳайъатларининг фаолия-  
тида таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини сувиштеъмол қилиш каби  
ҳамда бошқа қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда Комиссия тегишли  
малака ҳайъатининг раисини эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган  
даражада интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳакли.

## V. Комиссия ишини ташкил қилиш

19. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчи-  
лик палатаси, Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,  
Бош прокуратура вакиллари ва хукуқ соҳасидаги юкори малакали мута-  
хассислар, шунингдек жамоатчилик вакилларидан шакллантирилади.

20. Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан  
ўн етти кишидан иборат таркибда тузилади ҳамда Комиссия раиси, раис ўринbos-  
ари ва аъзолардан ташкил топади.

Комиссия раиси ва унинг ўн бир нафар аъзоси беш йил муддатга тасдиқланади  
ва ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширадилар.

Комиссия раисининг ўринbosари ва тўрт нафар аъзоси ўз фаолиятларини дои-  
мий асосда амалга оширадилар

21. Комиссия раиси Комиссиянинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва  
Комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

Комиссия раиси:

Комиссия фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Комиссия мажлисларини чакиради ва унга раислик қиласди;

Комиссия ваколатига тегишли бўлган масалаларни кўриб чиқиш учун киритади;

Комиссиянинг ижроия аппарати ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Комиссия раиси бўлмаган пайтларда унинг вазифасини ўринбосари амалга оширади.

22. Комиссия раисининг ўринбосари:

Комиссиянинг ижроия аппарати фаолиятида, шунингдек унинг молиявий-хўжалик фаолиятида ташкилий рахбарликни амалга оширади;

Комиссия раиси бўлмаганда Комиссия мажлислариiga раислик қилади;

Комиссия қарорлари бажарилишини назорат қилиш ишларини ташкил этади; доимий асосда фаолият юритувчи Комиссия аъзоларидан ташқари, Комиссия ижроия аппарати ходимларини Комиссия қарорига асосан лавозимларга тайинлади ва озод этади;

Комиссия штатлар жадвалини тасдиқлайди;

буйруқ ва фармойишлар чиқаради;

фуқароларни қабул қилади ҳамда шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

қонун хужжатлари ва Комиссия қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23. Комиссия фаолияти Комиссия аъзоларининг коллегиаллиги ва тенг хукуклиги, Комиссия ваколатига кирувчи масалаларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ҳал этилишини таъминлаш тамоийлларига асосланади.

24. Комиссия қонунга асосан кадрларни судьялик лавозимларига тайинлашга тавсиянома тайёрловчи охирги боскич ҳисобланади.

25. Комиссия судья кадрлар захирасини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш борасида судьялар малака ҳайъатларининг фаолияти назорат қилинishi ва мувофиқлаштирилишини таъминлади.

Комиссия вақти-вақти билан жойларга чиқиб судьялар малака ҳайъатлари томонидан кадрлар захирасини шакллантириш ва танлаш бўйича ишларнинг ахволини текшириб туради.

26. Комиссия мажлислари унинг ваколатига кирувчи масалаларнинг тайёрланнишига қараб, одатда бир ойда камида икки марта ўтказилади.

Комиссия аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда комиссиянинг мажлиси ваколатли, деб ҳисобланади.

Судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тавсия этиш масалалари Комиссия мажлисларида кўриб чиқилаётганда номзодни тақдим этаётган тегишли судьялар малака ҳайъатининг раиси маслаҳат овози билан қатнашиши мажбурийdir.

Комиссия мажлисининг баённомаси Комиссия котибияти ходими томонидан юритилади ва Комиссия раиси томонидан имзоланади.

27. Судьялик лавозимларига кадрлар бўйича таклифлар Комиссия томонидан кўриб чиқиш учун бўш судьялик лавозимига камида икки номзоддан иборат ҳолда муқобиллик асосида киритилади.

Комиссия мажлисида муҳокама этилаётган номзоднинг шахсий ва касбий сифатлари тўғрисида доимий асосда фаолият юритувчи Комиссия аъзосининг ахбороти тингланади.

Комиссия судья кадрлар бўйича тақдим этилган материалларни ўрганиш ва сухбатлашиш йўли билан судьяликка номзодларни танлаб олади, уларнинг касб маҳорати даражасини, маънавий фазилатларини (ҳалоллиги ва виждонини сотмаслигини), қобилиятини, шунингдек хукуқ соҳасидаги тегишли тайёргарлиги ва малакасини аниқлайди.

Судья кадрларни танлаш ва тавсия этиш бўйича Комиссия фаолиятини ташкил қилиш регламент билан белгиланади.

28. Қарор мажлисада иштирок этაётган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчи-

+

лик овози билан қабул қилинади. Номзодга овоз бериш чофида Комиссия аъзоларидан бошқа шахсларнинг хозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Комиссия мажлисида қўйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:  
номзоднинг тақдим этилган судьялик лавозимига муносабилиги тўғрисида;  
номзоднинг тақдим этилган судьялик лавозимига номуносабилиги тўғрисида;  
номзоднинг кейинчалик бўш лавозимга тақдим этиш ҳуқуқи билан судьялик лавозими захирасида қолдирилиши тўғрисида.  
судьялик лавозимига тақдим этилган номзоднинг ҳужжатларини профессионал, ахлоқий ва шахсий фазилатларини қўшимча ўрганиш учун қайтариб юбориш тўғрисида.

Комиссиянинг карори хulosса тарзида расмийлаштирилади ва мажлисда қатнашган Комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган Комиссия аъзолари хulosани имзолайдилар, уларнинг алоҳида фикри мажлис баённомасига киритилади.

29. Номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари лавозимларига муносабилиги тўғрисида Комиссиянинг хulosаси Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилади.

Корақалпоғистон Республикаси судлари судьяларини сайлаш ёки тайинлаш учун Комиссия хulosасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган холда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимнома киритади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьялари лавозимига номзодлар хусусида Комиссия ўз хulosасига асосланиб, уларни тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади.

30. Агар Комиссия номзодни судьялик лавозимига номуносиб ёки унинг ҳужжатларини қўшимча ўрганиш учун қайтариб юбориш лозим деган хulosага келган холларда бир йил муддат ўтгандан кейин ушбу масаланинг тақроран кўриб чиқилишига йўл қўйилади. Бу ҳақда хulosага тегишли ёзув киритилади.

31. Комиссиянинг хulosасида Комиссиянинг номи, таркиби ва мажлиснинг вакти, масаласи кўриб чиқилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда уни таърифловчи бошқа маълумотлар, тақдимномани (материалларни) киритган органнинг номи, шунингдек Комиссия томонидан қабул қилинган қарор кўрсатилади.

32. Материаллар тўлиқ бўлмаган холларда, масалани холисона ечиш мақсадида Комиссия уни кўриб чиқишини кейинга қолдириш ҳуқуқига эгадир.

## VI. Комиссиянинг ижроия аппарати

### A. Комиссия Котибияти

33. Комиссия Котибияти Комиссия фаолиятини ташкилий ва моддий-техникаий жиҳатдан таъминлаш мақсадида тузилади ҳамда ўз фаолиятида Комиссияга ҳисобот беради.

34. Комиссия Котибияти:

судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан келиб тушадиган тақлифларни ҳамда судья кадрлар захирасига киритилган, шунингдек аниқ лавозимга тавсия этилган ҳар бир номзодга оид ҳужжатларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ишларини амалга оширади;

судья кадрлар бўйича статистик, шахсий ҳисобни ва архив ишини юритади; келиб тушган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга топширади;

Комиссияни зарур ахборот-таҳлилий ҳужжатлар билан таъминлайди;

Комиссия топшириғига асосан, судьялар захирасини шакллантириш, уларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш масалалари бўйича судьяларнинг малака хайъатлари фаолиятини ўрганади;

Комиссиянинг бошқа топшириқларини бажаради.

35. Комиссия Котибияти ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган низом асосида олиб боради.

36. Комиссия Котибияти Комиссияга аъзо бўлган раҳбар ва раҳбар ўринbosari, шунингдек тўрт нафар етакчи инспектордан иборатdir.

Комиссия Котибияти раҳбари ва раҳбар ўринbosari ўз лавозимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади.

Комиссия Котибияти олий юридик маълумоти бўлган ва қоида тариқасида судларда иш стажи уч йилдан кам бўлмаган ходимлардан шакллантирилади.

## **Б. Суд инспекцияси**

37. Судларни ҳалол ва малакали кадрлар билан таъминлаш, судьяларни касб бурчи ва хизмат одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилишларини таъминлаш мақсадида Комиссия хузурида суд инспекцияси тузилади.

Суд инспекцияси ўз фаолиятида Комиссияга ҳисбот беради.

38. Суд инспекциясининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: судьяларнинг қасамёдга риоя этиш ҳолатини таҳлил қилиш; судьялик одоб-ахлоқи бузилишининг олдини олиш; судьяларнинг ноқонуний ҳаракати устидан шикоятларни ўрганиш; судьяларни уларнинг мақоми, шаъни ва қадр-қимматига тажовузлардан химоя қилиш;

судьялик лавозимига илк бор кўрсатилаётган номзодларга тааллуқли материалларни тегишли органлар билан биргаликда ўрганиш;

янги ваколат муддатига тақдим этилаётган судьялар номзоди бўйича хулосалар бериш;

судьялар корпуси барқарорлигини таъминлашга, судьяларни лавозимга сайдаш, тайинлаш ва озод этиш бўйича қонунда белгиланган тартибини амалга оширишга кўмаклашиш;

қонун бузилишига йўл қўйган судьяларга нисбатан тегишли чораларни қўллаш тўғрисида Комиссияга таклифлар киритиши.

39. Суд инспекцияси ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган низом асосида олиб боради.

40. Суд инспекцияси Комиссияга аъзо бўлган раҳбар ва раҳбар ўринbosari, шунингдек тўрт нафар етакчи инспектордан иборатdir.

Суд инспекцияси раҳбари ва раҳбар ўринbosari ўз лавозимларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади.

Суд инспекцияси олий юридик маълумоти бўлган ва қоида тариқасида судларда иш стажи беш йилдан кам бўлмаган ходимлардан шакллантирилади.

41. Суд инспекцияси ходимлари ўз вазифаларини бажаришда судьяларнинг шаънини ва қадр-қимматини хурмат қилишлари, касбга оид сирни сақлашлари шарт.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **102 Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларни камайтириш хамда фермер ва ширкат хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. «Ўзагромашсервис» уюшмаси корхоналари ва муқобил машина-трактор парклари истисно тариқасида:

2006-2007 йиллар мобайнода Ҳукумат карори билан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникаси, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалик шиналари ва таъмирлаш материалларини импорт қилишда божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари), шунингдек, уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва машина-трактор парклари, жумладан муқобил машина-трактор паркларига сотища қўшилган қиймат солигидан;

қишлоқ хўжалиги корхоналари талабномаларига кўра бажариладиган иш ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиги тўлашдан 2007 йилнинг 1 январигача озод этилсин.

2. «Ўзагромашсервис» уюшмаси ва муқобил машина-трактор парклари фермер хўжаликларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва моддий-техника ресурсларини сотища улар қийматининг 5 фоизидан ошмайдиган (соликлар ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлардан ташқари ) устама нархни назарда тутсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 март,  
ПҚ-304-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **103 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида**

1. Қўйидагилар тасдиқлансин:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг 2005 йил 26 августда Қозон шаҳрида имзоланган гуманитар ҳамкорлик ҳақидаги Битими;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг 2005 йил 26 августда Қозон шаҳрида имзоланган келишилган чегара сиёсати Концепцияси тўғрисидаги карори;

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг 2005 йил 26 августда Қозон шаҳрида имзоланган терорризм ва экстремизмнинг бошқа зўравонлик кўришинишларига қарши курашда ҳамкорлик қилиш Концепцияси ҳақидаги қарори;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг 2005 йил 26 августда Қозон шаҳрида имзоланган 2005—2007 йилларда терорризм ва экстремизмнинг бошқа зўравонлик кўринишларига қарши курашда ҳамкорлик қилиш Дастури ҳақидаги қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 март,  
ПК-306-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **104 Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чорта-тадбирлари тўғрисида**

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чорта-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, ахолига қўшимча ер майдонлари бериллаётганилиги, шунингдек уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллар кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

Айни пайтда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, биринчи навбатда қорамол боқиши ва етишириш, шу асосда қишлоқ ахолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оиласалар даромадини оширишнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяти. Чорва мол боқаётган шахсларни иш билан банд ахоли тоифасига киритиш ва уларни ижтимоий муҳофаза килиш масалалари ҳал этилмаган. Хўжаликларни зотдор, сермаҳсул чорва мол билан, омухта ем ва ширали озуқа билан таъминлаш борасидаги ишлар қониқарсиз ахволда, зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича инфратузилма тармоғи, шунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни микрокредитлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

Аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оиласлар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало қорамол боқаётган дехқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳукуқий ва иктиносидий шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида қорамол боқиши билан банд бўлган шахслар, ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳукуқига эга бўладилар.

Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалигида қорамол боқиши билан банд бўлган жисмоний шахслар учун пенсия тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камидаги 50 фоизи миқдорида ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирда ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бир хафта муддатда Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларда қорамол боқаётган ва чорвачилик маҳсулотлари етиштираётган фуқароларнинг иш билан бандлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда меҳнат дафтарчаларини очиш ва юритиш, меҳнат органларида ҳисобга олиш, пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини ҳисоблаш ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини белгиласин.

2. 2006—2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлирида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури маъқуллансин, унда:

минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини 1-2-иловаларга\* мувофиқ кўпайтириш;

зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчиши пункtlари тармогини 3-иловага\* мувофиқ кенгайтириш;

4-иловага\* мувофиқ зотли молларни шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотиш назарда тутисин.

Дастурнинг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун шахсий масъулият қишлоқ ва сув хўжалиги вазири (С. Исмоилов), Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва тижорат банкларининг қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига 5 ва 5а-иловаларга\* мувофиқ хажмларда микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида чорвачилини ривожлантириш учун фуқароларга ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла кўмиталарининг кафиллиги остида тижорат банклари томонидан имтиёзли мақсадли микрокредитлар ажратишнинг соддалаштирилган Тартибини тасдиқласин.

4. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурига мувофиқ Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларини томонидан қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд ва кўп болали оиласларга, энг аввало мактабгача ва мактаб ёшидаги болалари бўлган оиласларга ҳар бир қишлоқ тумани бўйича камидаги 100—200 оиласи камраб олган ҳолда, ҳомийлар, шунингдек нодавлат ҳайрия ташкилотларининг маблағлари ҳисобига бир бош сигир бериш йўли билан ҳайрия ёрдами

\* 1—5, 5а-иловалар берилмайди.

кўрсатиш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бир хафта муддатда Қишлоқ жойлардаги эҳтиёжманд кўп болали оиласаларга корамолни бепул бериш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда чорва мол боқиш кўнкимлари, шароит ва имкониятлари мавжудлиги, жумладан омухта ем ва ширави озуқа билан таъминлаш имкониятларини хисобга олган ҳолда эҳтиёжманд оиласаларни аниқлашнинг қатъий мезонлари назарда тутилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда дон маҳсулотлари корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган омухта ем, шу жумладан шартномалар бўйича фермер хўжаликларидан сотиб олинадиган дондан ишлаб чиқариладиган омухта емни шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари бемалол олишини кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилишини, 6-иловага\* мувофиқ, туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларида ихтисослаштирилган савдо шохобчаларини ташкил этиш учун зарур омборхоналарни бериш йўли билан таъминласинлар.

6. 7-иловага\*\* мувофиқ, 2010 йилгача бўлган даврда наслчилик чорвачилик корхоналари ва хўжаликлари наслчилик чорвачилигини ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви йигимлари бундан мустасно).

7. 2006—2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлирида чорва моллар, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури амалга оширилишини таъминлаш бўйича қабул қилиниши зарур бўлган норматив-хуқуқий хужжатлар рўйхати 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бир хафта муддатда ушбу қарор талабларини амалга ошириш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсан.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Махкамасига амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсан.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Дастурнинг бажарилиши йилнинг хар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари мажлисларида кўриб чиқилсин

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 23 марта,  
ПҚ-308-сон

\* 6-илова берилмайди.

\*\* 7-илова рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **105 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

#### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 март,  
51-сон

+ Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 24 марта 51-сон қарорига  
ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика мева-сабзавот хўжалигига монополиядан чиқариш ва ихтисослаштириши чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 июлдаги 363-сон қарорида:

3-банднинг биринчи хатбоши ва иккинчи хатбошининг биринчи жумласи, 5-банд, шунингдек қарорга 2, 3, За-иоловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги ҳамда 20-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсан;

6-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсан;

11-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетта тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсан.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сон қарори (Ўзбекистон

Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Спирт ва алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қўйиш, сақлаш ва улгуржи сотишини хисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низомда:

1 ва 2-бандлардаги, 3-банднинг учинчи хатбошидаги ҳамда 22-банддаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

5 ва 26-бандлардаги ҳамда 27-банднинг еттинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Махкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш соҳасидаги конун хужжатларини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 3 июлдаги 281-сон қарорида:

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Махкамасининг «Товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишини давлат томонидан назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 23 декабрдаги 532-сон қарори 1-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Махкамасининг «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 26 мартағи 136-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 16-модда) 3-бандининг биринчи хатбошидаги ва 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Махкамасининг «Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 23 сентябрдаги 444-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 58-модда) 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Махкамасининг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 4 мартағи 78-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги, 3, 7 ва 8-бандларидағи, шунингдек қарорга 1-илованинг номидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Махкамасининг «Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг табиий бойликларини сақлаб қолиш ҳамда дам олиш ва соғломлаштириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 6 сентябрдаги 362-сон қарорига 1-илованинг 4-бандидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Махкамасининг «Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишини тартибга солиш тўғрисида» 2001 йил 16 ноябрдаги 452-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 63-модда) 1-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Махкамасининг «Дон тайёrlаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил

4 декабрдаги 424-сон қарорига 1-илованинг 9-бандидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўми-таси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 майдаги 229-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон 40-модда) 12-бандидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамфармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 74-модда) 7-иловадаги «Аюпов А.М. — «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси раиси» сўзлари «лавозимига кўра — «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 15 январдаги 21-сон қарори 3-бандининг тўртинчи хатбошидаги, 4-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошидаги, шунингдек қарорга 2 ва 4-иловалардаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш бўйича Республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 15-модда) 1-иловадаги ва 2-илованинг 18-бандидаги «Аюпов А.М. — «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси раиси» сўзлари ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари тегишли равища «лавозимига кўра — «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси раиси» ва «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Евropa Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 марта 134-сон қарорига 1-илованинг 5.22-бандидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 73-модда) 1-илованинг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси бўлими номидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Чехия Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 3 декабрдаги 568-сон қарорига илованинг II бўлими 12-бандидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-12-сон, 68-модда):

1-иловада:

«Аюпов А.М. — «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси раиси» сўзлари «лавозимига кўра — «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг учинчи хатбошидаги, 7-банднинг бешинчи хатбошидаги, 10-банднинг «д» кичик бандидаги ҳамда 2-илованинг 11-банди бешинчи хатбошидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» сўзлари «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **106 Истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини та- комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармонини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 мартағи ПҚ-300-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси:

чакана савдо корхоналари республика ҳудудида жойлашган жойидан қатъи назар, улгуржи ташкилотлар билан ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга эканлиги принципига риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда, улгуржи ва чакана савдо ўртасида фақат ихтиёрий ва шерикчилик асосида шартномавий муносабатларни ривожлантиришда;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари билан биргаликда — минтақаларда вилоят, вилоятлараро ва туманлараро базаларни, шу жумладан товарларнинг асосий гурухлари бўйича ихтисослаштирилган базаларни босқичма-босқич шакллантиришда Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларига кўмаклашсинг.

2. Қуйидагилар:

Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларини, ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек улар томонидан улгуржи савдони амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига киравчи Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари, ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалар, шунингдек вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияярининг истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари:

ички истеъмол бозори конъюнктурасини пухта ўрганиш асосида уни товарлар билан тўлдириш дастурини шакллантирсинглар, истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган республика корхоналари билан узок муддатли савдо алоқалари тизимини ташкил этишга ўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширсинглар;

ишларни самарали ташкил этиш ҳамда чакана савдо ва ахоли ишончини қозониш йўли билан улгуржи бозорда ўз мавқеларини изчил мустаҳкамласинлар;

чакана савдо учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш, шунингдек келгусида ўз чакана савдо тармоғини ривожлантириш мақсадида етарли ресурслар ва тажрибани аста-секин шакллантирсинглар.

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси I ярим йиллик ва умуман 2006 йил якунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Вазирлар Махкамасига ахборот берсин.

4. Белгилансинки, Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларинг, уларнинг худудий базаларининг ўқотишлардан ва ноликвид товарлар нархини пасайтиришдан кўрган заарлари факат базаларнинг ўз даромадлари хисобига қопланади.

5. Тижорат банклари Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларига, худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларга уларнинг мамлакатимиз корхоналаридан истеъмол товарлари харид қилишга ўйналириладиган айланма маблағларини тўлдириш учун қисқа муддатли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган тартибда:

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни рўйхатдан ўтказсин;

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи кўрсатиб ўтилган база-контораларга, худудий базаларга, вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармонида ва мазкур қарор билан тасдиқланган норматив-хукуқий хужжатларда назарда тутилган талабларга риоя қилишни хисобга олган ҳолда истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш хукуқига лицензиялар берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда худудий «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари фаолиятини муфассал ўрганиб чиқсинлар ҳамда улар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш, қишлоқ жойлардаги, бориш қийин бўлган ҳамда тоғли туманлардаги ахолининг зарур истеъмол товарларига эҳтиёжларини янада тўлиқ қондириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинглар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 27 март,  
52-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

Вазирлар Махкамасининг  
2006 йил 27 мартағи 52-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларини,  
худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни  
рўйхатдан ўтказиш, шунингдек улар томонидан улгуржи савдони  
амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларини ва  
худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни рўйхатдан  
ўтказиш тартиби**

1. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларини ва худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, хисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

2. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари, худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалар муассислари томонидан тақдим этиладиган таъсис хужжатларида:

—

шакллантириладиган устав фонди (улгуржи савдо корхоналари — акциядорлик жамиятлари учун — қонун хужжатларида белгиланган миқдорда, бошқа улгуржи савдо корхоналари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг камидаги 3500 баравари миқдорида, улардан пул маблавлари билан — энг кам ойлик иш ҳақининг камидаги 1200 баравари миқдорида) тўғрисидаги;

+

фаолият тури — истеъмол товарлари улгуржи савдоси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

**II. Истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш тартиби**

3. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалар (кейинги ўринларда сотувчилар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, қонун хужжатларида белгиланган тартибда бериладиган истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия мавжуд бўлганда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун сотувчиларда ўзининг ёки ижарага олинган омборхона бинолари, совутиш (зарурият бўлганда), кўтариш-түшириш ва транспорт ускуналари, тегишли инфратузилма — автомобиль ва темир йўл кириш ўйллари, электр энергияси ва сув таъминоти тармоқлари мавжуд бўлиши керак.

5. Сотувчилар товарларнинг етказиб берувчиларини ва харидорларини шартнома асосида мустақил равишда танлаб олиш ҳуқуқига эга ҳамда сотилган товарларнинг кейинчалик фойдаланилиши учун жавоб бермайдилар.

6. Сотувчилар томонидан истеъмол товарлари худудий жойлашувидан қатъи

назар, хар қандай хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан белгиланган тартибда чакана савдо фаолияти билан шугулланётган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турфун савдо тармоғига эга бўлган юридик шахсларга, маҳсус истеъмолчиларга, давлат таъминотидаги муассасаларга, ишлаб чиқариш корхоналарига улгуржи сотилади.

Товарлар жисмоний шахсларга факат якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва конун ҳужжатларида белгиланган шаклдаги чакана савдони амалга оширишга руҳсат берувчи гувоҳнома мавжуд бўлганда улгуржи сотилади.

7. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари истеъмол товарларини уларнинг таркибига кирувчи худудий базаларга, шунингдек вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияларига улгуржи сотиш хукуқига эга.

8. Товарларни улгуржи сотиш факат тузилган шартномалар асосида ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг накдинасиз шаклида амалга оширилиши мумкин.

### **III. Сотувчиларнинг вазифалари**

9. Савдо фаолиятини амалга оширишда сотувчилар:

товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи (шартнома, счёт-фактура, товар-йўл ҳужжатлари) ҳужжатларга;

мувофиқлик сертификатига, товарларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёки уларнинг нусхаларига — мажбурий тартибда сертификатланиши лозим бўлган товарлар сотилганда;

истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга оширишга лицензияга эга бўлишлари керак.

### **IV. Мазкур Низомга риоя этилиши юзасидан жавобгарлик**

10. Лицензиясиз ёхуд лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган даврда улгуржи савдони амалга ошириш конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Вазирлар Махкамасининг  
2006 йил 27 мартағи 52-сон карорига  
2-ИЛОВА

**Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига киравчи  
Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари,  
худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалар,  
шунингдек вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик  
компанияларининг истеъмол товарлари улгуржи савдосини  
амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида  
**НИЗОМ****

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш хамда уни ривожлантириш учун қулагай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 мартағи ПҚ-300-сон карорига мувофиқ қуидагиларнинг:

Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимиға киравчи Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларнинг;

— вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияларининг ва улар таркиби-  
га киравчи улгуржи савдо корхоналарининг истеъмол товарлари улгуржи савдоси-  
ни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

+

2. Мазкур Низомда назарда тутилган тартибда берилган лицензия улгуржи савдо корхоналарига:

худудий жойлашувидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан белгиланган тартибда чакана савдо фаолиятини амалга ошираётган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо тармоғига эга бўлган юридик шахсларга, маҳсус истеъмолчиларга, давлат таъминотидаги муассасаларга, ишлабчиқариш корхоналарига товарларни улгуржи сотиш;

факат якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғриси-  
даги гувоҳномаси ва қонун хужжатларида белгиланган шаклдаги чакана савдони амалга оширишга рухсат берувчи гувоҳномаси мавжуд бўлган жисмоний шахсларга товарларни кичик туркумлар билан улгуржи сотиш хукукини беради.

Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг худудий базалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш хамда уни ривожлантириш учун қулагай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармонига мувофиқ беш йил муддатга мулк солиги тўлашдан озод қилинган.

Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимиға киравчи худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларга, шунингдек вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияларига ва улар таркибига киравчи улгуржи савдо корхоналарига истеъмол товарларини улгуржи сотиш хукуқига ҳам эгадирлар.

3. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган корхоналарнинг истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) амалга оширилади.

4. Лицензияловчи орган томонидан лицензия талаборининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йифим ундирилади. Лицензия бериш юзасидан хужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йифим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

5. Лицензия берилганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

6. Истеъмол товарлари улгуржи савдоси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия чекланмаган муддатга берилади.

## **II. Лицензия талаблари ва шартлари**

7. Қўйидагилар истеъмол товарлари улгуржи савдоси фаолиятини амалга ошириша лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириши тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига риоя этилиши;

улгуржи савдо корхоналари — акциядорлик жамиятлари учун — қонун хужжатларида белгиланган миқдорда, бошқа улгуржи савдо корхоналари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг камидаги 3500 баравари миқдорида, улардан пул маблағлари билан — энг кам ойлик иш ҳақининг камидаги 1200 баравари миқдорида шакллантирилган устав фондининг мавжуд бўлиши;

ўзининг ёки ижарага олинган омборхона бинолари, совутиш (зарурият бўлгандага), кўтариш-тушириш ва транспорт ускуналари, тегишли инфратузилма — автомобиль ва темир йўл кириш йўллари, электр энергияси ва сув таъминоти тармоқлари мавжуд бўлиши;

мувофиқлик сертификатлари ёки маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари мавжуд бўлиши — мажбурий тартибда сертификатланиши лозим бўлган товарлар сотилганда;

лицензия талаборининг Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси ёки вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари тизимида кириши.

## **III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар**

8. Лицензия олиш учун лицензия талабори лицензияловчи органга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-хукуқий шакли, жойлашган жойи (поста манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) улгуржи савдо корхоналари учун шакллантирилган устав фондининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

в) ўзининг ёки ижарага олинган омборхона бинолари, совутиш (зарурият бўлгандага), кўтариш-тушириш ва транспорт ускуналари, тегишли инфратузилма — автомобиль ва темир йўл кириш йўллари, электр энергияси ва сув таъминоти тармоқларининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

г) лицензия талабгорининг Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимиға киришини тасдиқловчи хужжатлар;

д) лицензия бериш түғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат.

9. Лицензия талаборидан мазкур Низомда назарда тутилмаган хужжатлар тақдим этилишини талаб этишга йўл қўйилмайди.

10. Хужжатлар лицензия талабори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд улар олинганлигини тасдиқловчи билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали берилади.

11. Хужжатлар лицензияловчи органнинг масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана кўрсатилган ҳолда лицензия талаборига юборилади (топширилади).

#### **IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш түғрисида қарор қабул қилиш**

12. Хужжатларни кўриб чиқиш ва истеъмол товарлари улгуржи савдоси фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш түғрисида қарор қабул қилиш муддати рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатдан ортиқ бўйласлиги керак.

13. Лицензияловчи орган лицензия талаборини қабул қилинган қарор түғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни мобайнида хабардор қиласди.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги түғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақамининг реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талаборига юборилади (топширилади).

14. Лицензия битими лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасида тузилади ҳамда унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар лицензияловчи орган томонидан мазкур Низомга иловага мувофиқ шаклдаги бланкаларда расмийлаштирилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ваколатли ўринбосари томонидан имзоланади.

Лицензия бланкалари қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб ракамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензия бланкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ тайёрланади.

16. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораси таркибига кирувчи худудий базага (филиал, шўъба корхонага) лицензия таркибига база кирувчи

Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторасининг тартиб рақамига каср орқали ҳудудий базанинг индекси (тартиб рақами) қўшилган ҳолда берилади.

Вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси тизимининг улгуржи савдо корхонасига лицензия таркибига улгуржи савдо корхонаси кирувчи вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг тартиб рақамига каср орқали улгуржи савдо корхонасининг индекси (тартиб рақами) қўшилган ҳолда берилади.

Лицензия мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича берилади.

17. Лицензия талабори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилган кунда лицензия битими тузилади ва лицензия берилади.

18. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнida лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилишга ҳақлиdir.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия беришни бошқа асослар бўйича, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра рад этишига йўл қўйилмайди.

Лицензия талабори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (харакатсизлиги) юзасидан конун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш хуқуқига эга.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талаборига тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир кун мобайнida рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни тақроран кўриб чиқишига тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, хужжатларни тақроран кўриб чиқиши лицензия талабгорининг аризаси барча зарур хужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб бир иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия талаборларининг аризалари тақроран кўриб чиқилганлиги учун йифим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза хисобланади.

## **V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, дубликат бериш**

22. Лицензиат қайта ташкил этилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (пошта манзили) ўзгарганда лицензиат ёки унинг хуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан ёхуд жойлашган жойи ўзгаргандан кейин бир хафта муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензияловчи органга мурожаат қилиши шарт.

23. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат лицензияда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияловчи орган лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлашти-

риш лицензияловчи орган томонидан тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб икки кун мобайнida амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми микдорида йифим ундирилади. Лицензия қайта расмийлаштирилганлиги учун йифим суммаси лицензияловчи орган хисоб рақамига ўтказилади.

25. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензиат лицензия дубликати олиш учун лицензияловчи органга, юридик шахснинг номи, ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган ҳолда, лицензия дубликати бериш тўғрисида ариза ҳамда лицензия дубликати берилгани учун йифим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этади.

Лицензия дубликати беришда қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми микдорида йифим ундирилади. Лицензия дубликати берилгани учун йифим суммаси лицензияловчи орган хисоб рақамига ўтказилади.

## **VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назорат тегишли назорат органлари томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ўйли билан амалга оширилади.

Тегишли назорат органлари лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраши ва олиши мумкин.

Текширишлар натижалари асосида текшириш далолатномаси тузилади. Бузилишлар аниқланган тақдирда текшириш далолатномасида лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишлари кўрсатилади.

Текшириш далолатномаси нусхаси лицензияловчи органга юборилади, лицензияловчи орган лицензиатга лицензия талаблари ва шартларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарор чиқаради ҳамда бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди.

27. Текшириш далолатномаси икки нусхада тузилади, улардан бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси назорат органида қолади.

## **VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш**

28. Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 22-моддасига мувофиқ, лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда,

лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунинг 23 ва 24-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

### VIII. Лицензиялар реестри

30. Лицензияловчи орган белгиланган тартиба лицензиялар реестрини юритади.

31. Лицензиялар реестрида кўйидагилар кўрсатилиши керак:

- а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар: юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатдан ўтказиш санаси, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохноманинг берилган санаси ва тартиб раками, СТИР), почта манзили хамда мавжуд бўлса телефон, факс раками, электрон почта манзили;
- б) фаолиятнинг лицензияланётган тури;
- в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб раками;
- г) лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
- д) лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
- е) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
- ж) дубликат беришнинг асослари ва санаси.

+

-

32. Лицензиялар реестридаги маълумотлар манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг улар билан танишиши учун очик хисобланади ҳамда аниқ лицензиатлар тўғрисидаги маълумотлар реестрдан кўчирма тарзида ёзма сўров асосида ва сўров учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилганда уч кун муддатда берилади.

33. Реестрдан бир лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ундирилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан маълумотлар текин берилади.

34. Реестрдан маълумот берилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган хисоб рақамига ўтказилади.

Истемол товарлари улгуржи савдосини  
амалга ошириш фаолиятни лицензиялаш  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат герби

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**ЛИЦЕНЗИЯ**  
**АА № 000**  
**АА № 000/00\***

**Мазкур лицензия билан** \_\_\_\_\_ га  
(лицензия эгасининг тўлик номи)

(фаолиятнинг рухсат берилган тури)

\_\_\_\_\_ ни амалга оширишга рухсат берилади.  
Лицензия эгасининг жойлашган жойи (пошли манзили): \_\_\_\_\_

Солик тўловчи-лицензия эгасининг идентификация рақами:

Лицензия берилган сана \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_

Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Реестр бўйича тартиб рақами \_\_\_\_\_

Ваколатли шахс:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

М.Ў.

\* Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари таркибига кирадиган худудий базалар ҳамда «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари таркибига кирадиган улгуржи савдо корхоналари учун.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

### **107 Махаллий солиқлар ва йигимларни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
22 марта 1217-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 1 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Конунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 5 февралдаги 28, 2003-23-сон қарори билан тасдиқланган Махаллий солиқлар ва йигимларни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага (2003 йил 16 февраль, рўйхат рақами 1217 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 4-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлиб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
21-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 24 февраль,  
2006-10-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**108** Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш билан шуғулланишга лицензия олишда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган давлат божини қайтариш ёки ҳисобга қўшиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
28 марта 1555-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 7 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишини тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 9 марта ПҚ-303-сон қарорининг З-бандини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги **карор қиладилар**:

1. Илова\* қилинаётган «Автомобиль транспортида йўловчиларни ташиш билан шуғулланишга лицензия олишда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган давлат божини қайтариш ёки ҳисобга қўшиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқланган.

2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

**Молия вазирлиги Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 16 март,  
32-сон

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги  
бошлиғи А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 16 март,  
3-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2006 йил 18 марта 31 мартача бўлган маълумот**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Махаллий солиқлар ва йифимларни хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги ўйрикномага ўзгартиришлар киритиш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 24 февралдаги 21, 2006-10-сон қарори.

**2006 йил 22 марта 1217-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 1 апрелдан кучга киради).**

2. «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш билан шуфулланишга лицензия олишда якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан тўланган давлат божини қайтариш ёки хисобга қўшиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспортни агентлигининг 2006 йил 16 марта 32, 3-сон қарори.

**2006 йил 28 марта 1555-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 7 апрелдан кучга киради).**

—

+